

Ўзбекистоннинг профессионал таълим муассасалари бу муаммоларни енгиб ўтишлари мумкин.

Ушбу ечимлар нафақат харажатларни оптималлаштириш, балки таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларини саноат талаблари билан мослаштиришга ёрдам беради. Ана шундай фаол чора-тадбирлар ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон малакали кадрларни етиштириш ва барқарор иқтисодий ривожланишга кўмаклашишда давом этиши мумкин.

## **РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Султанов Махмуд Ахмедович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Тўрткўл факултети, «Умумқасбий, ижтимоий-  
гуманитар ва аниқ фанлар» кафедраси доценти*

Россия федерациясида институционал инвесторлар фаолияти ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳага тегишли тажрибасидан фойдаланилган ёндашув ва усулларни қўллагани боис, қисқа муддатларда жаҳон молия бозорига интеграциялашувига сабаб бўлди. 1990-йил бошларида ўтказилган хусусийлаштириш борасидаги ислохотлар даврида пай инвестиция фондлари, нодавлат пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари ва бошқа молия институтлари ташкил этила бошланди. Омонатига эга бўлган банклар ва инвестиция институтлари тахмин қилганидан кўра юқори даромадли воситаларга сармоя киритмоқчи бўлган Россия фуқаролари сони ортиб бораётганлиги боис, ушбу муаммоларни профессионал асосда ҳал қилишга тайёр молиявий воситачиларга бўлган эҳтиёж ортиб борди<sup>98</sup>. Натижада, Россияда институционал инвесторлар тизими элементларининг пайдо бўлиши ҳам хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланди.

Бугунги кунга келиб, банклар энг йирик (активлар бўйича) ва анъанавий молиявий воситачилар бўлиб қолмоқда. Россия банк тизимининг ўзига хос хусусияти тижорат банкларининг универсал хусусиятидир. Кредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида брокерлик, дилерлик, депозитарий, клиринг лизинг фаолиятини амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш, маслаҳат ҳамда хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ахборот билан таъминлаш, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан

<sup>98</sup>Якунин В.И., Сулакшин С.С., Аверкова Н.А. Политическое измерение мировых финансовых кризисов. Феноменология, теория, устранение / Изменения в институциональной структуре финансовых рынков. М.: Научный эксперт. 2012. 632с

операцияларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа операцияларни амалга оширишдан иборат.

Россия федерациясида тижорат банклари ўз активларини қимматли қоғозлар, чет эл валютаси, қўчмас мулк ва бошқа активлар ҳисобидан шакллантириш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Суғурта ташкилотлари ҳам институционал инвестор шаклидаги молиявий воситачилардир. Уларнинг фаолияти пул фондларини яратишга асосланган бўлиб, уларнинг молиявий манбаи суғурта мукофотлари шаклида олинган суғурта қилдирувчиларнинг маблағлари ҳисобланади. Суғурта ташкилотининг инвестицион салоҳияти – бу инвестиция манбалари сифатида фойдаланиладиган ўз, жалб қилинган ва қарзга олинган капиталнинг маълум бир миқдоридир.

Пенсия жамғармалари институционал инвестор тизимининг муҳим элементиدير. Пенсия жамғармаси – бу пенсия тизимини давлат ёки нодавлат бошқаруви ва фуқароларнинг пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун киритилган маблағлар йиғиндисидир. Россияда пенсия тизими иккита катта элементга эга: давлат пенсия жамғармаси ва нодавлат пенсия жамғармаларидан иборат.

Инвестиция фонди кўплаб кичик инвесторларнинг молиявий ресурсларини бирлаштириб, йиғилган маблағларини қимматли қоғозлар ва бошқа активларга инвестиция қилишдан иборат. Бундай маблағларнинг ўзига хослиги шундаки, улар бир гуруҳ инвесторлар номидан сотиб олинган ва профессионал инвестиция компанияси ёки бошқа молия институти томонидан бошқариладиган акциялар, облигациялар ва бошқа активларнинг (улар биргаликда “инвестиция портфелини” ташкил қилади) институционал тўпламини ифодалайди.

Ҳар бир мижоз фонд акцияларини сотиб олиб, унинг даромадларини тақсимлашда маълум улуш ҳуқуқини олади ва ўз улушини исталган вақтда бозор нархида сотиши мумкин.

Россия Федерациясида институционал инвесторлар фаолиятини ташкил этишнинг кейини босқичлари институционал инвестициялашнинг нисбатан янги соҳаси венчур капитал фондларининг шаклланиши ҳисобланади. Бир гуруҳ инвесторларнинг молиявий ресурсларини бошқарувчи инвестиция фонди уларнинг маблағларидан барқарор ўсиш потенциалига эга бўлган кичик инновацион корхоналарни ишга тушириш натижасида ҳосил бўлган хусусий капиталдаги улушларни сотиб олиш учун фойдаланади. Ушбу инвестициялар юқори даражадаги хавф ва даромадга мойил бўлади.

Вақф фондлари давлат бошқаруви соҳасида жамоавий инвестицияларнинг янги турига айланди. Бу ноижорат компаниялар, шу жумладан давлат бюджети ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш учун мўлжалланган мақсадли жамғармадир. Бундай фондлар асосан ҳомийлик, хайрия ва бошқа текин бадаллар ҳисобидан шаклланади. Бундай

фондлар маблағларини даромад олиш учун инвестиция қилиши мумкин, аммо у олинган барча даромадларни ўзи ташкил этган ташкилотларнинг фойдасига йўналтириши шарт.

Сўнги йилларда институционал инвестиция бозоридаги тенденциялар глобал иқтисодий ноаниқлик, жумладан мамлакат иқтисодий соҳаларига ривожланган давлатлар томонидан қўлланаётган санкциялар туфайли ортиб бораётган хавфга боғлиқ бўлиб, инвестиция қилинган капиталнинг даромадлилигини сақлаб қолиш ёки ошириш учун ўз портфелларини янада хавфлироқ воситаларни қўшиш учун кенгайтиришга ундайди. Шу сабаб институционал инвестициялар соҳасини ислоҳ қилиш орқали пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, банклар, пай фондлари ва бошқалар учун инвестицияларни қўшимча рағбатлантиришдан иборат бўлади.

### **СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ**

*Турғунмирзаев Азмиддин Шамситдин ўғли*  
*Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси*  
*Мустақил изланувчи – фалсафа доктори (PhD),*  
*Шамситдинов Мирсаид Азмиддин ўғли*  
*Наманган Мухандислик-технология институти*  
*Иқтисодиёт факультети талабаси*

Суғурта мамлакат молиявий тизимининг асосий бўғинидир, у табиий офатлар, бахтсиз ходисалар, ишлаб чиқариш жараёнидаги рисклар ва мулккий йўқотишлар rischi юқори бўлган бошқа кутилмаган ҳодисаларга боғлиқ равишда ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қодир, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган, иқтисодиётда инвестицион жараёни барқарорлиштирадиган восита ҳисобланади. Мамлакатимизда суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва кўплаб мамлакатларни ўсиш кўрсаткичларини ортақолдирмоқда. Аммо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг ролини ошириш ҳамон ечилмаган вазифа бўлиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта фаолиятида аҳолига суғурта хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда суғурта хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Суғурта бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (артифисил интеллигенсе) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқдалар. Чунки,